

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РЕЖЕП ТАЙЙИП ЭРДОҒАННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 19-20 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ МАЗКУР МАМЛАКАТДА БЎЛАДИ.



НУҚУ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 20-ФЕВРАЛ, №7 (1204)

ҲАМОН
МУРОЖААТЛАР
БИЛАН МЕНДАН
КЕТГУНЧА,
ЭГАСИГА ЕТГУНЧА
ҚАБИЛИДА ИШЛАШ
ҲОЛАТЛАРИ ҚАЙД
ЭТИЛМОҚДА.
3-БЕТ

КОМИССИЯ ФАҚАТ
ҚОҒОЗДА ИШЛАГАН,
ХОЛОС.
5-БЕТ

КОРРУПЦИЯНИ
ФОШ ЭТИШ БЎЙИЧА
ЎТКАЗИЛГАН
ТАДБИРЛАРДА 81
ТА ЖИНОЯТ ИШИ
ҚЎЗГАТИЛДИ.
8-БЕТ

ТАДБИРКОР
ҚИЙНАЛГАН
ОИЛАНING
10 МИЛЛИОН
СЎМЛИК ҚАРЗИНИ
ТЎЛАБ БЕРДИ.
10-БЕТ

**...НОИНСОФ
КАССИР
84 МИЛЛИОН
СЎМЛИК
ПЕНСИЯ ВА
НАФАҚА
ПУЛЛАРИНИ
ЖИФИЛДО-
НИГА УРДИ.**
2-БЕТ

**ЕР –
ХАЛҚ
БОЙЛИГИ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА
21 533 ГЕКТАР ЕРДАН
НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНИБ
КЕЛИНАЁТГАНИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.**
3-БЕТ

ТУБАНЛИК

Ҳали бир
ёшга ҳам
тўлмаган ўғил-
часини кўта-
риб бораётган
отанинг нияти
фарзандини
эркалатиш
эмас, балки
ундан қуту-
лишмиди?!

9-БЕТ

**...ЎЗИНИ НОГИРОНГА СОЛИБ
САДАҚА СУРАБ ЮРГАН
ҚИЗАЛОҚ НОГИРОН
БЎЛИБ ҚОЛДИ.**
4-БЕТ

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ШОРА

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, бугунги кунда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайиб бораётгани олам аҳлини ташвишга солмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, йўл-транспорт ҳодисаларида ҳар йили 1 миллион 250 мингга яқин инсон ҳаётдан кўз юмади ва 20 миллиондан ортиги турли даражада жароҳатланиб, уларнинг кўпчилиги ногирон бўлиб қолмоқда. Бундай ҳодисаларнинг содир бўлиши эса бир неча омил билан боғлиқ.

Яхшилик нуқоти остида шахсий манфаат кўрмоқчи бўлган А.К. қилмиши келажакда йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлиши мумкинлигини англамади. У 2014 йилдан буён Тошкент вилоятидаги «Ватанпарвар» ўқув спорт клубида автомобиль бошқаришни ўргатувчи уста вазифасида ишлаб келаётган эди.

Кунларнинг бирида А.К. хайдовчилик машиналарига қатнашмоқчи бўлаётган Ш.К. га дарсларга қатнашмаса ҳам «В» тоифали хайдовчилик гувоҳномасини олиб бера олишини, ўқиш жараёнида бирор-бир муаммо чиқса, уни ҳам ҳал қилиб беришини, шунингдек, имтиҳон-

да ҳам ёрдам бериш каби «хизмати»ни таклиф этади. Ш.К. эса таклифга рози бўлади.

Орадан бир неча кун ўтиб, А.К. бўлғуси ўқувчи Ш.К.дан ташкилот ёнида 2 млн. 200 минг сўмни олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бугунги кунда пора берувчига ҳам, олувчига ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳўш, бу ҳолатда жазо иккала тарафга ҳам қўлландими деган савол туғилади. Бу ҳолатда фақатгина бир кишига жавобгарлик қўлланди. Чунки инструктор ўз «хизмати»ни таклиф қилганидан

сўнг ўқувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилиб, А.К.нинг ноқонуний ҳаракати юзасидан маълумот берган эди. Унинг аризаси асосида тезкор тадбир ўтказилиб, ашёвий далил ва гувоҳлар иштирокida жиноят фош этилди.

Судда юқоридаги барча ҳолатлар инobatта олиниб, А.К.га нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Сарвар АХМЕДОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ

Наманган вилояти прокурори Акмалхўжа Мавлоновнинг ёшлар билан бу галги учрашуви Тўрақўрғонда бўлиб ўтди.

Вилоят прокурори дастлаб «Дилрабо СДА» савдо ва ишлаб чиқариш корхонасида бўлди. Корхонада 500 дан зиёд хотин-қиз меҳнат қилади. Меҳмонлар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини кўздан кечиришди, шу ернинг ўзига 20 нафар аёлга шу куннинг ўзига ишга қабул қилингани тўғрисидаги буйруқ ва меҳнат дафтраси топирилди. Улар анъанана кўра тажрибали чеварларга бириктирилди.

Исҳоқхон Ибрагимовнинг хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бугунги кунда еттига тил ўргатилмоқда. Ўқувчиларнинг иқтидорига ҳавас қилса арзийди. Учрашув доирасида ўтказилган маънавий тадбирда мактабнинг беш нафар ижодкор кизи ғазалхонлик бўйича мусобақалашди. Ғолиблар китоблар билан сийланди.

Шунингдек, қизлар ўртасида марафон мусобақаси, вилоятимизнинг таниқли ёзувчи ва санъаткорлари

билан учрашув, ёш раҳбар аёллар ҳузурдаги мулоқот ҳам ғоят қизиқarli ўтди.

Туман маданият марказида Акмалхўжа Мавлонов ёшлар, хусусан, хотин-қизлар билан очик мулоқотда бўлди. Уни туман ҳокими вазифасини бажарувчи Музаффар Усмонов кириш сўзи билан очиб берди. Даставвал спорт, адабиёт соҳасида муваффақиятга эришган қизлардан ютуқлари омили ҳақида сўралди. Бокс бўйича халқаро турнир ғолиби Фотима Турсунбоева, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Ширин Йўлдошева, «Йил хикояси» республика танловининг ғолибларидан бири Ойдина Мухаммадалиева бу омил фақат қизиқиш, меҳнат ва изланиш эканлигини мисолларда баён этишди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчиларидан муаммолар, мулоҳазалар, таклифлар эшитилди. Мурожаатларнинг аксарияти шу ернинг ўзига хал этилди, ай-



римлари ўрганиб чиқиш талаб этгани учун назоратга олинди. Мулоқот якунида Исҳоқхон Ибрагимовнинг мактаб-интернат ўқувчиси Дилшода Ҳасимова ўзи беш тилга таржима қилган Ибрагимовнинг ўқиб бериб, олқишларга сазовор бўлди.

Учрашув якунида энг фаол қизлардан бир гуруҳига вилоят прокурорининг қимматбахо совғалари топширилди.

Адхам ИКРАМОВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

SAYYOR QABUL

МАҚСАД – ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Пешку туманидаги «Боғимусо» МФЙда вилоят прокуратураси раҳбариятининг навбатдаги сайёр қабули бўлиб ўтди.

Унда аҳолининг турли муаммолар ҳақидаги мурожаатлари қабул қилинди. Мурожаатларнинг аксарияти кишлоқ йўлларини асфальтлаштириш, электр энергияси ва табиий газ таъминотини яхшилаш, иш билан таъминлаш ва кишлоқларда мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш ҳақида бўлди. Масалан, қабулда Р.Худоберовнинг бандлик масаласида ёрдам бериш, Ҳ.Рўзиеванинг тоза сув билан таъминлаш, Г.Темированинг хорижга чиқиш паспортини олишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатлари ижобий хал қилинди.

Сайёр қабул ўтказилган жойда туман ҳокимлиги ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳамда арзонлаштирилган озик-овқатлари ярмаркаси, китоб савдоси, шунингдек, Президентимиз илгари сурган беш ташаббус бўйича тумандаги намунали ва фаол ёшларимизнинг кўргазмалари уюштирилди.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида 12 киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди, 9 нафар фуқарога эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жойларда ўтказилаётган бу каби сайёр қабуллардан кўзланган асосий мақсад фуқароларимизни қийнаётган муаммоларни хал қилишга кўмаклашиш, шу орқали халқни рози қилиш бўлиб, бу борадаги ишлар мунтазам давом эттирилади.

Шухрат ХИКМАТОВ,
Пешку тумани прокурори

JARAYON

КОРРУПЦИЯ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сирдарё вилояти ҳудудий идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда комиссия раиси, вилоят прокурори Р.Машарипов, Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурори М.Ходжаев, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Мавлонов, комиссия аъзолари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли Ховос тумани сигналзациялаш ва алоқа масофаси корхонаси, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизига Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилиб, соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Шунга қарамадан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли Ховос тумани сигналзациялаш ва алоқа масофаси корхонасининг айрим ходимлари кўрсатилган эътибор ва имкониятдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, фаолияти давомида кўп олатларга йўл қўяётгани ҳамда турли жиноятларни содир этиб келаётгани кузатилмоқда. Хусусан, Бош прокуратура ҳузурдаги департаментнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ҳамда ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорликда фуқаро А.нинг аризасига асосан 2020

йилнинг 31 январь куни ўтказган тезкор тадбирда Ховос тумани сигналзациялаш ва алоқа масофаси корхонаси машинисти Ш. фирибгарлик билан ўзининг танишлари орқали фуқаро А.ни «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимига ишга киритиб қўйиш эвазига 1100 АҚШ доллари талаб қилиб, ундан шунча пулни олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Шундан сўнг Ш.нинг аризасига асосан тезкор тадбир давом эттирилганда, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Ўзбекистон» локомотив депоси кўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Х. Ш.дан фуқаро А.ни «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимига ишга киритиб қўйиш эвазига 1100 доллар олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Маъмур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Йиғилиш якунида комиссия аъзоларига берилган топшириқлар лозим даражада бажарилмаётгани, ходимлар билан самарали профилактик тадбирлар олиб борилмаётгани, жойларда тарғибот тадбирлари талаб даражасида ўтказилмаётгани қайд этилиб, коррупцияга қарши курашни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Фахриддин РАХИМОВ,
Сирдарё вилояти прокуратураси АМИБ катта терговчиси

ИЖТИМОЙ ТўЛОВЛАРНИНГ ТўЛАНИШИ НАЗОРАТГА ОЛИНГАН

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан назорат тадбирлари олиб борилди.



Марказий банк маълумотига кўра
2020 йилнинг 1 февраль ҳолатига ижтимоий тўловлар тўлиқ тўланиши таъминланди.

Хусусан 2020 йил январь ойи учун

2 трлн. 425 млрд. 624 млн. сўм пенсия,
3 трлн. 48 млрд. 688 млн. сўм иш ҳақи, 262 млрд. 814 млн. сўм нафақа, жами 5 трлн. 737 млрд. 127 млн. сўм ижтимоий тўловлар тўлаб берилди.

1 февраль ҳолатига мониторингга олинган корхоналарнинг иш ҳақидан 8 млрд. 400 млн. сўм қарзи мавжуд.

Маъмур қарздорликка асосан:

- «Ўзбекнефтгаз» – 3 млрд. 600 млн. сўм,
- «Агрокимёхимо» – 1 млрд. 700 млн. сўм,
- «Ўзбекгазпроэнерго» – 843 млн. сўм,
- «Иссиқлик электр станциялари» – 777 млн. сўм,
- «Ўзавтотўй» – 628 млн. сўм,
- «Ўзтрансгаз» – 373 млн. сўм,
- «Ўзкимёсоноат» (339 млн. сўм) корхоналари томонидан йўл қўйилган.



Прокуратура органлари томонидан
иш ҳақини ундириш чоралари кўрилди.

Хусусан, 3261 нафар фуқаронинг кечиктирилган

6 млрд. 500 млн. сўм иш ҳақи,

215 нафар шахснинг 129 млн. сўм пенсияси ва

57 кишининг 484 млн. сўм нафақаси ундириб берилди.



Мисол учун, Қўрғонтепа туманидаги 21-мактаб мансабдорлари ортиқча иш ҳақи ҳисоблаш ва бошқа суиистеъмолчиликлар орқали 309 млн. сўм пулни талон-торож қилишган.
Халқ банкининг Бойсун тумани филиали 8-сайёр кассаси кассири 84 млн. сўм пулни 198 нафар пенсия ва нафақа олувчига тарқатмасдан ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган. Маъмур ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Тегиришларда 90 та ҳолатда 8 млрд. 900 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақи, нафақа ва уларга қўйилган тўловлар учун ажратилган бюджет маблағи талон-торож қилинган аниқланган.

Бундай ҳолат асосан:

- Халқ таълими вазирлиги – 3 млрд. сўм,
- ўзини ўзи бошқариш органлари тизими –
- 1 млрд. 500 млн. сўм, банк тизими – 245 млн. сўм,
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – 924 млн. сўм,
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 774 млн. сўм,
- бошқа бюджет муассасалари – 1 млрд. 600 млн. сўм,
- шунингдек бошқа ташкилот ва корхоналар (215 млн. сўм)
- ҳисобига тўғри келади.



Абдулатиф АХМЕДОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори



ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда ҳар бир ташкилот ҳамда идорада электрон ва ахборот-коммуникация технологияларининг илгор дастурлари, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Нагжада давлат органларида иш унумдорлиги ошди, бу эса барча соҳаларнинг ривожини учун хизмат қилади.

Юртимизда фуқароларнинг муурожаатлари билан боғлиқ барча масалалар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Бу ҳақда сўз борганда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунни алоҳида қайд этиш ўринли. Маскур қонун ижросини Бош прокуратура доимий назорат қилиб боради.

Қонуннинг 3-моддасида электрон муурожаатларга алоҳида изоҳ берилган. 5-моддада эса муурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши ҳамда бир хил аҳамиятга эгаллиги таъкидланган. 27-моддада муурожаатларга жавоб бериш тартиби ва муурожаатларни кўриб чиқиш натижасига кўра давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилинган, бу ҳақда муурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилиниши кўрсатилган.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, иш унумдорлигига эришиш мақсадида 2019 йилнинг 29 август кунинда прокуратура органларида «Электрон ҳужжат айланиши» ахборот тизими жорий этилди. Унга мувофиқ Бош прокуратура, вилоят, туман ва шаҳар прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратураларда ҳужжатлар айланиши, яъни ҳужжатларни рўйхатга олиш, ижросини таъминлаш, назорат олиб бориш, ижро натижаси бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш электрон шаклда амалга оширилиши белгиланди.

Маскур тизим прокуратура органларига келиб тушаётган хат-хабар, муурожаат ва бошқа ҳужжатларни муайян тартибда рўйхатга олиш; барча ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш; маълумотларнинг махфийлиги ва ахборот ҳафсизлигини таъминлаш; фуқаролар сарсон бўлишининг олдини олиш имконини беради.

Энг муҳими, ахборот тизимида прокуратура органларига келиб тушган хат-хабар, муурожаат, маълумот, ахборот ва бошқа ҳужжатлар эндиликда электрон шаклда рўйхатга олинди, уларнинг ижроси ва натижасига оид ҳужжатлар киритилди. Айрим тоифадаги, жумладан, ходимларга оид маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, хизмат текшируви ҳужжатлари, текшириш материаллари, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар, терговга қалар текширув материаллари бундан мустасно. Улар бўйича фақат хатлар ахборот тизимида киритилди ва юборилди. Сўнг ҳужжатнинг ўзи белгиланган тартибда почта орқали етказилади. Эътиборлиси, ахборот тизимига киритиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар айланиши белгиланган тартибда почта орқали амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Анвар ИХТИЯРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари

БУРЧГА МУНОСАБАТ КЎЗГУСИ

Фарғона шаҳар прокуратурасида 2019 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган уч мингдан ортиқ муурожаат кўриб чиқилди.

Муурожаатларнинг 2800 га яқини ёки 83,9 фоизи бевосита прокуратура томонидан ҳал этилган, 400 дан ортиғи ёки 9,1 фоизи тегишлилиги бўйича ваколатли идораларга назоратга олингани ҳолда юборилган.

Муурожаатларга эътибор хизмат бурчига муносабатни кўзгулиги каби акс эттиради. Афсуски, давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ходимларининг масъулиятини кучайтириш чоралари кўрилатганига қарамастан, ҳамон муурожаатлар билан мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилда ишлаш ҳолатлари учрамоқда.

Фарғона шаҳар давлат солиқ инспекциясида муурожаатларни кўриб чиқиш бўйича иш режаси тузилмаган, айрим ҳолларда уларда келтирилган вазилар тўлиқ ўрганилмаган, ўрганиш натижаси ҳақида муаллифга ўз вақтида жавоб хати юборилмаган. Хусусан, фуқаро М.Лининг тўлов хабарномасини олиш ва бошқа масалалардаги муурожаати ҳал этилганидан сўнг беш кун кечиктирилиб почта ходимига топширилган.

Қонунга кўра қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколатига қирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдорларига келиб тушган муурожаатлар беш кундан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда муурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши лозим. Фуқаро Г.Араббоевнинг ДСИга қилган муурожаатини кўриб чиқишда қонуннинг ушбу талабига амал қилинмаган. Унинг

«Фарғона Бунёд кредит» МЧЖга қарашли умумий овқатланиш шохбчаси тунда ишлаши натижасида кўп қаватли уйларида яшовчи фуқароларнинг тинчлигини бузаётганидан норози бўлиб ёзган аризаси инспекцияда рўйхатга олинган санадан 17 кун ўтиб тегишлилиги бўйича шаҳар Ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлимга (ИИО ФМБ) юборилган.

Фарғона шаҳар қурилиш бошқармасида ҳам муурожаатларни кўриб чиқиш бўйича иш режаси тузилмаган. Уларда келтирилган вазиларни тўлиқ ўрганмаслик, муаллифга ўрганиш натижаси ҳақида хабар бермаслик каби бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган. Келиб тушган муурожаатлар чорак якунлари бўйича умумлаштирилмаган ва статистик ҳисоботлар юритилмаган.

Муурожаатларни кўриб чиқиш борасида ҳам қонун бузилишига йўл қўйилган. Хусусан, фуқаро А.Нурматовнинг автомобиллар тураржойи ташкил этилаётганидан норози бўлиб йўллаган аризаси рўйхатга олинганидан сўнг ўттиз бир кун ўтиб жавоб хати тайёрлангану, текшириш қунига қадар муаллифга юборилмагани аниқланди. Фуқаро Д.Тожибоевнинг шаҳар ҳокимининг қарорига ўзгартириш қиритишни сўраб йўллаган муурожаати белгиланган муддатда кўриб чиқилмаган, орадан ўттиз кун ўтиб жавоб хати берилган. Шунингдек, жавоб хатларида қабул қилинган қарордан норози бўлинганда шикоят бериш тартиби тушунтирилиши, келиб тушган муурожаат беш кундан кечиктирилмасдан тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотга юборилиши лозимлиги ва бу ҳақда муаллиф хабардор қилинишига оид қонун та-

лабларига амал қилинмаган.

Фарғона шаҳар ҳокимлигида фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатларнинг аксарияти қонуний кўриб чиқилиб ҳал этилган, тушунтиришлар берилган. Лекин баъзи аризаларни ҳал этишда қонун бузилишига йўл қўйилган. Хусусан, «Водий тантана медиа» МЧЖ раҳбари О.Мирзаевнинг муурожаатига жавоб хати қонунда белгиланган муддатдан кеч юборилган.

Фуқаро Х.Қодировнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали шаҳар ҳокимлигига юборилган муурожаатида автобекатларни таъмирлаш ҳамда пенсиясини қайта ҳисоблаш масаласида ёрдам сўралган. Ушбу муурожаат бўйича фақатгина автобекатларнинг таъмирланиши ўрганилиб, натижаси ҳақида фуқарога тушунтириш берилган. Пенсияни қайта ҳисоблаш масаласи ўрганилмаган.

Айрим муурожаатлар бирёқлама ўрганилиб, асосланган жавоб йўлланмаган. Хусусан «Сабзавоткор Салимаҳон таровати» фермер хўжалиги раҳбари С.Шокировнинг хўжалигини кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантиришда ёрдам сўраб йўллаган муурожаати ўрганилиб, фақатгина қандай турдаги фермер хўжалиги кўп тармоқли фермер кириши ҳақида тавсиявий жавоб хати юбориш билан чекланган.

Текшириш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 5 нафар мансабдор шахс маъмурий, 9 нафар мансабдор интизомий жавобгарликка тортилган.

Музаффарбек РАХМОНОВ,
Фарғона шаҳар прокурори

ЕР – ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь кунги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органи томонидан соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлар ташкил қилинган.

Фармон ижроси ўрганилганда ердан самарасиз фойдаланиш, ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шунингдек, ундан қонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Яъни, республика бўйича 21533 гектар ердан юридик ва жисмоний шахслар қонуний фойдаланиб келаётгани маълум бўлди.

Хусусан, 259 гектар ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, 117 гектар ерда қонуний қурилишлар қилинган. 701,9 гектар майдондан бошқа мақсадда, 20572,8 гектар ердан эса самарасиз фойдаланилган.

Назорат тадбирлари давомида қонуний қарорларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш юзасидан 129 та протест киритилди. 7 нафар шахснинг интизомий, 156 кишининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди. 39 та ҳолатда ерни захирага олиш ва захирадан тарқатиш юзасидан туман ҳокимликларига тақдимома киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 7 та жиноят иши кўзгатилиб, ҳозир тергов олиб борилмоқда.

Нагжада ўзбошимчалик билан эгалланган 138 гектар майдон ҳокимлик ер фонди захирасига қайтарилди.

Шухрат БАТИРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи



Ишимиз юришмаганда ё бўлмаса бирон хатардан омон қолганимизда, ёмон туш кўрганимизда тўрт-беш сўм садақа қилиш орқали кўнглимиздаги хижилликни енгиллатишга одатланганмиз. Бундай пайтда одам гавжум жойларда ёки кўчама-кўча юрди, «Худонинг йўлига садақа қилинг», дея ризқини териб юрвчиларга атаганингизни берасиз. Пул топишнинг енгил усулини ўрганган бундай кимсалар эса меҳнат қилиб тер тўкишни хоҳлашмайди.

Хар қандай иллатнинг илдиз отишига аввало ўша жамиятда яшовчи кишиларнинг бепарволиги сабаб бўлади. Бизда тиланчиларга садақа бериш одатий ҳолга айланган. Ана шундай мурувватсизлигимиз тиланчиларнинг кўпайишига замин яратмаётимикан? Ўзи кимларга садақа бериш керак?

– Аллоҳга беадад шукур, юртимиз тинч, ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда, – дейди **Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакили, Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби Раҳматулла Усмонов**. – Шундай дорилмомон замонда юзининг терисини калин қилиб садақа сўрашнинг ўзи ақлга сиғмайди. Сабаби, бугунги кунда озгина жон койитиб меҳнат қилган киши ҳеч бир қийинчиликсиз кўнлик эҳтиёжига яраша пул топа олади. Аслида инсонларнинг калбига озор етказадиган ҳолатда садақа сўраш шариатда ҳаром қилинган. Ҳаётда кўп кўрганмиз, баъзилар ўзини ўта ночор ҳолда кўрсатишга уринади. Ногиронлик «роли»ни маромига етказиб ижро этиш орқали пул топаётганлар ҳам йўқ эмас. Баъзан Қуръони каримдан бир неча оятни чалакам-чатти ёд олиб, тиловат қилиш орқали манфаат кўришга уринаётганлар ҳам учрайди. «Кимки тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ унга хорлик эшигини очади», – дея марҳамат қилади пайгамбаримиз бир ҳадисда. Дарҳақиқат, тўрт мучаси соғ кишининг тиланчилик қилиши ислом динида қаттиқ қораланади. Инсонлардан беҳожат бўлиш, бировга оғирлигини ташламаслик, ҳалол касб билан ҳаёт кечириш фазилат саналади. Расулulloҳ(с.а.в.)нинг муборак васиятида «Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрма, агар камчинг ерга тушиб кетса ҳам» дейилиши инсонларни беҳожат бўлишга чақиртирди.

Хайрихолик билан берилган садақа фарз амаллардан саналади. Аслида садақа жуда эътиборли нарса, унинг қатта-кичиги бўлмайди. Зотан, садақа сўзи сидк, содиқ сўзларидан олинган бўлиб, банданинг иймони ва ҳимматига тааллуқли қаломлардир. Кишининг иймони, Аллоҳ таолога ишончи бўлса, қилаётган эҳсонининг савобидан калбиди умидворлик туйғуси бўлса, берган садақаси ана шу туйғуларнинг чинлигини тасдиқлайди. Савол туғилиши мумкин: «Кимларга қилинган садақа савобироқдир?». Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларидан бирида «Садақани энг аввало ўз оила аъзоларингизга қилинг, улардан ортса яқин қариндошларингизга, сўнг эса бошқаларга улашинг» дея марҳамат қилади. Албатта, хайр-эҳсон эҳтиёжманд оилаларга, етим-есир ва ногиронларга қилинса нур устига нур бўлади.

Бугунги кунда кўча-кўйда, бекат, вокзал ё аэропортларда, бозорларда, ҳатто уйма-уй юриб садақа сўраб қўл чўзаётган баъзи тиланчилар ва ҳатто болаларни кўриб, беихтиёр ўйга толасан киши: наҳотки, улар қилаётган ишларининг моҳиятидан беҳабар бўлса?

Шундай дорилмомон замонда чет эллардан келган меҳмонлар тиланчиларга рўбарў келса, юртдошларимиз ҳақида нима деб ўйлайди? Афсуски, тиланчиликни касб қилиб олганлар фақат ўз манфаатини ўйлайди ҳолос. Улар учун хорижлик меҳмонлар юртимиз ҳақида қандай таассуротда бўлишининг аҳамияти йўқ.



САДАҚАДА?

РАДДИ БАЛОМИ ЁКИ ДАРОМАД МАНБАИ

Тиланчиларнинг аксарияти аслида ўзгаларнинг мурувватига зор бўлмасан-да, бу касбидан воз кечмайди. Улар инсон психологиясини жуда яхши билиб олишган. Одамларнинг раҳмдиллигидан фойдаланиб қолишга уринишади.

Ўзингиз ўйланг, бозорлар ва бошқа гавжум жойларда «Нонга пул беринг» дегувчилар наҳотки эрталабдан кечгача сандироклаб ҳам нонга пул топишолмас? Тўғри, ҳар қандай давлатда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам бўлиши табиий. Бироқ давлат уларнинг таъминотини ўз гарданига олади. Бизда ҳам худди шундай.

Кишлоғимизда бир қўли йўқ отахон бўларди (жойи жаннатда бўлсин). Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Уни Хотира ва қадрлиш кўни олдидан Ташкентга чақиртирган, набираси бобосини боғдаги ўриндикка ўтказиб, магазинга бориб келиш учун кетган. Шунда отахон пинакка кетиб, бошидаги шляпаси ерга тушган. Ярим соатларда набираси келса, шляпанинг ичи пулга тўла эмиш.

Кези келганда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб бермоқчиман. Бозорга киришдаги йўл четиди бира аёл «Болам авария бўлиб касалхонада ётибди, дорин олишни учун ўн минг сўм етмайпти, илтимос, ёрдам беринглар» дея ўтган-қайтгандан наҳот сўрарди. Аёлга жуда раҳмим келди. Ҳақиқатан ҳам жуда муҳтож экан деб унга айтган пулини бердим. Орадан бир неча ой ўтиб, бошқа жойда яна шу аёлга дуч келдим. У яна ўша «сценарий»ни такрорлар эди. Секин унинг олдига бордим. «Опа, уялмайсизми? Наҳотки, тўрт-беш сўм пул топаман деб ўғлингизга ёмонлик тилаётганингизни билмасангиз?! Ахир бобо-момоларимиз «Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди» деб бекорга айтишмаган. Бу яхши эмас, оқибатини яхшилаб ўйлаб кўринг», – дедим. Аёл бироз хижолат чекқандек бўлди-ю, ломим демасдан йўлида давом этди.

Бир куни бозор дарвозасига яқин-

лашганимда йўл четиди ўтирганча, чап қўлини олдинга чўзиб, ўтган-кетгандан садақа сўраётган кизча эътиборимни тортди. Ўнг енгги муаллақ туришига қараганда бир қўли йўқ эди унинг. Бирор бахтсиз ҳодиса туфайли қўлидан ажралгандир деган ҳаёлга бордим. Бечора кизалоқ! Балки у онласидегиларга оғирим тушмасин деб тиланчилик қилаётгандир? Қизчага яқин бориб, пул узатдим. У пулни олар экан, «Раҳмат, амаки, умрингиздан барака топинг» дея луо қилган мисол чап кафтини юзига тортган бўлди. Савоб ишга қўл урганмидан мамнун эдим. Шу тарика ҳар бозорга борганимда ўша жойда кизчага рўбарў келардим ва пул беришни қанда қилмасдим. Бир куни кизчага яқинлашар эканман, хайратдан ёқа ушладим. Энди у ўнг қўлини чўзганча садақа сўрар, чап енгги эса хавода муаллақ турарди. Ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучуғи ҳақида тасаввурга эга бўлмаган кизчани шу тахлит риёкорлик қилишга нима ундади, ким мажбур қилди экан?

Ҳалиги кизча тўрт-беш ой кўринмай кетди. Эҳтимол, энди у алдов йўли билан садақа сўрашдан воз кечгандир деган ҳаёлга бордим. Бир куни ўша кизчани яна учратдим. Бу сафар у ногиронлар аравачасида эди. Ажабланирдис, энди унинг икки қўли ҳам соғ, бироқ иккала оёғининг тиззадан пастки қисми йўқ эди. Бўлган воқеани онаси айтиб берди. Қизча аввал соппа-соғ бўлган экан. Онаси «Ногиронларга одамлар кўпроқ пул беради» деб уни бир қўли йўқ қиёфада садақа сўрашга мажбур қиларкан. Қуллардан бирида кизча автохалокатга учрабди. Оёғидан қаттиқ жароҳат олиб, чиндан ҳам ногирон бўлиб қолибди. Онаси бу гапларни айтар экан, кўзларидан ёш тўхтасан, қилмишдан қаттиқ пушаймонлиги шундоқ билиниб турарди.

Қадимда бир камбағал киши донишмандга ўзининг ночорлигидан шикоят қилибди. Шунда донишманд аввал иккала кўзи, сўнг оёқ ва қўллари эвазига қатта пул таклиф этибди. Камбағал эса

унинг таклифларига рози бўлмабди. Шунда донишманд «Шунча бойликлардан ҳам қадрли неъматларга эга бўла туриб нолигани уялмайсанми?» деб уни изза қилган экан.

Ўтган йили кўзда истироҳат боғида яна бир ажабланирли ҳолатга гувоҳ бўлдим. Икки лўли киз ва бир болакай сайр қилиб юрган йигит-қизларнинг олдига бориб садақа сўрар, пул бермаган қизларнинг сумкасига ёпишиб, тортиқларди. Афтидан, йигит-қизлар курсдош бўлишса керакки, йигитлар қизларни ҳимоя қилиш ўрнига мазах қилар, устидан қулишарди. Уларнинг ҳаракатини бироз кузатиб турдим. Лўли қизларнинг бу услуби иш бермаса, ёнидаги болакай ердан тош олиб қизларга хезланарди. Ушбу вазиятдан чиқши учун қизлар но-илож сумкасидан пул чиқариб беришга мажбур бўларди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тиланчилар тўйхона, шифохона, автобус, ишхона ва ҳатто уйлارга ҳам бемалол кириб борапти... Хўш, садақани тортиб олишгача бораётганларга ким чора кўради? Юртимиз, халқимиз шаънига доғ бўлиб тушадиган бундай иллатларга барҳам беришнинг аллақачон вақти етди деб ўйлайман. Тиланчиликни касб қилиб олганларнинг бу қилмишини маҳалла фаоллари, профиллактика инспекторидан тортиб ҳамма билса-да, парво қилмаслиги уларни ана шундай уятсизликка ўргатиб қўйган бўлса керак.

Гоҳида очарчилик ва қаҳатчиликни кўрган қарияларнинг сўзларини эшитсангиз, бугунги дорилмомон кунларда ҳам тиланчилик қилаётганлардан нафратланиб кетасиз. Шукур қилишимиз керак! Бинобарин, шукур ҳам инсоннинг иймон-этиқодидан далолатдир. Қолаверса, шукур ризқ ва барака, имконнинг янада кенгайишига сабаб бўлади.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нурқу»

ХАЛҚ ОРАСИГА КИРИБ...

Бугунги кунда Қашқадарё вилояти прокурорлари секторларидаги ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва муаммоларини ҳал этиш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Ўтган йилда уйма-уй юриш давомида аҳолининг 15679 та муаммоси бартараф этилган. Хусусан, Ғузор туманида яшовчи 105 кишига даволаниш учун ордер берилди, чуқур тиббий кўриқдан ўтишига кўмаклашилди. Шаҳрисабз шаҳри «Кеш» МФЙда 101 сотих бўш ерда 405 млн. сўм кредит ҳисобига 44 та иссиқхона барпо этилди. Нишон туманида 850 нафар камбағал, боқувчисини йўқотган ва касалманд фуқарога «Epsilon» қўшма корхонаси ҳомийлигида ҳар ой ва байрам арафасида озиқ-овқатлар тарқатиш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган 2475 та муаммо бартараф этилган. Масалан, Миришкор тумани «Навбахор» МФЙ ҳудудидаги мактабгача таълим муассасаси таъмирланди ҳамда учта нодавлат мактабгача таълим муассасалари очилди.

Дехқонобод тумани «Ойдин йўл» МФЙдаги 1 км. йўл кум-шағал тўкилиб таъмирланган бўлса, 20 та хонадонни электр энергияси билан таъминлаш учун 25 та бетон устун ўрнатилиб, 1 км. ма-софага электр симлари тортилди.

Шаҳрисабз тумани «Янгиобод» МФЙда Тан-хоз дарёсидаги сел келиши оқибатида яроқсиз ҳолатга келган 80 метрли кўприк таъмирланди.

Секторларда Президент илгари сурган беш-та ташаббусни рўёбга чиқаришга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Хусусан, Миришкор тумани «Обод» ва «Янгиобод» ҚФЙда кутубхона ташкил этилди ва улар икки мингдан ортиқ китоб билан тўлдирилди.

Яккабоғ тумани «Жайчи» МФЙда 350 млн. сўм имтиёзли кредит ҳисобига «Император» спорт зали фойдаланишга топширилди ҳамда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида кураш бўйича «Прокурор кубоги» мусобақаси ташкил этилди.

Аҳолининг 15679 та муаммоси бартараф этилган.

Шаҳрисабз шаҳар «Кеш» МФЙдаги «Шаҳри-сабз обихаёт» МЧЖга қарашли бинонинг фойда-ланилмаётган қисмида тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 30 нафар камбағал ва ногирон хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Бундай ижобий ишларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин.

Камолиддин МУҲСИНОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори



JARAYON

«ЧАНОҚ»ДА КОМИССИЯЛАР НЕГА ИШЛАМАЯПТИ?

Ғузор туманидаги «Чаноқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда комиссиялар фаолияти танқидий муҳокама қилинди.

Жумладан, маҳалла ҳузури-даги яраштираш комиссиясида ўтган йили маҳаллада-ги аҳвол, муаммолар, нотинч оилаларни аниқлаш, келгусида уларнинг соини камайтиришга қаратилган аниқ чораларни бел-гиллаш ўрнига, ҳақиқий ҳолатни чуқур таҳлил қилмасдан, ҳудуд-даги вазиятга мос келмайдиган режа тузилган. Шунингдек, ўтган йили маҳаллада иккита нотинч оила рўйхатга олинган бўлса-да, уларнинг оёсийишта, ҳамжиҳатликда яшашига кў-маклашиш бўйича бирорта иш қилинмаган. Оилавий низолар, ёшлар тарбиясига эътибор-сизлик, ичкикилбозлик ва ги-ёҳванликка бериллик, ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилмасдан, комиссия фақат қозғола ишлаган, ҳолос.

Бундан ташқари, «Чаноқ»-даги комиссия тайинлаган мод-дий ёрдамнинг қонунийлиги ўрганилганда уч кишига нафақа нотўғри тайинлангани, шунинг-дек, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, машиш шароитини яхшилаш

юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмагани аниқланди.

Тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ко-миссияси оилавий тадбиркор-лик, касаначилик, хунармандчи-лик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончиликни ривожланти-ришга кўмаклашиши ҳамда аҳо-ли ўртасида бу борада тарғибот ишлари олиб бориши, давлат органларига таклифлар кирити-ши лозим эди. Аммо ўтган йили бирор-бир иш қилинмаган.

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси бир қатор йиғи-лишлар ўтказгани тўғрисида баёнлар расмийлаштирилган бўлса-да, улар номигагина ўт-казилган шундоқкина кўриниб турибди. Баёнларга илова қилин-ган фотоларҳалар бир хил бў-либ, қилинмаган ишлар қилин-ган каби расмийлаштирилган. Жумладан, 2018 йил 27 ноябрда оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жи-ноятчилик, оилавий жанжаллар-нинг олдини олиш бўйича давра суҳбати ўтказилгани ҳақида баён расмийлаштирилган. Унга илова қилинган фотоларҳалар

2019 йил 21 августда ўтказилган оилавий ажримларнинг олдини олишда қайноналар маслаҳа-ти мавзусидаги давра суҳбати ҳужжатларига тиркаб қўйилгани кишини ажаблантиради. Бундай кўзбўямачилик кимга керак?

Шу каби ҳолатлар «Чаноқ» МФЙдаги маънавият ва маъри-фат, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт, экология ва атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш, ободон-лаштириш ва кўкаламзорлашти-риш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссиялари фа-олиятида ҳам кўзга ташланади.

Бундан ташқари, МФЙда жиноятлар кўпайгани қайд этил-ди. 2018 йилда ҳудудда иккита, 2019 йилда еттига жиноят содир этилган.

Туман прокуратураси то-монидан мазкур маҳаллада қо-нунийлик устидан назоратни кучайтириш ҳамда жиноятчи-ликка қарши курашиш чоралари белгиланди.

Бекзод СУЮНОВ,

Ғузор тумани прокурори



БИНОЛАР БЎШ ТУРМАСИН

Ўзбекистонда тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар, берилаётган имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда. Биргина мисол, Солиқ кодексига мувофиқ бу йилдан бошлаб солиқлар 13 тадан 9 тага камайтирилди, уларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш тартиби жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги «Ишлаб чиқариш майдонларини фойдаланиш самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тадбир-корлар учун яна бир имкониятдир.

Қарорга кўра, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда-ланилмаётган объектларга солиқ органлари томонидан фой-даланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича идораларо комиссия хулосасини олмасдан, тўғридан-тўғри таъсирчан солиқ механизмининг қўллаш, фойдаланилмаётган объектлар ҳўжалик фаолиятига жалб этилганда, таъсирчан солиқ механизмининг қўллаш натижасида ҳисобланган солиқ суммаларини қайтариш тартиби жорий этилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида иккита ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, 1-гуруҳ ҳудудларда бўш турган объектларни аниқлайди ва рўйхатини тузади, 2-гуруҳ эса ушбу объектларни ишга тушириш борасида фаолият олиб боради.



Бугунги кунда Урганч туманида 236 та бўш объект ва ишлаб чиқариш майдони бўлиб, шундан 226 таси хусусий, 10 таси давлат мулки объекти ҳисобланади. Олиб борилган назорат тадбирларида уларнинг 47 таси ишга туширилиб, 67 та янги иш ўрни яратилди.

Туман прокуратураси ташаббуси билан фуқаро Холжон Қозоқовага тегишли, бўш бино сифатида рўйхатга олинган, Кўхнаовул маҳалласида жойлашган бинода «Мухаммад Ниё-мат» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Ташкилотта 140 бола қамраб олинди, 25 та янги иш ўрни яратилиб, 27 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Лойиҳа тақдим этмаган ва ўз вақтида амалга оширмаган 91 та объект эгаларига нисбатан 376 миллион сўм таъсирчан солиқ механизми қўлланиб, 231 миллион сўм ундириб олинди.

Яқинда туманда бўш турган бино эгалари ҳамда фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари ишти-рокида бинолардан самарали фойдаланиш, мулкдорларнинг муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида учрашув ўтказилди. Унда тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар, тегиш-ли ташкилотларга уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақ-садида топшириқлар берилди.

Дилшод МАДИРИМОВ,

Урганч тумани прокурори

ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой халқига билдирилган ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди.

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгараётган, давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий курашлар тобора кескинлашаётган бир шароитда мамлакатимиз ёшларини, шу жумладан, армиядаги ёш авлод вакиллари ватанпарварлик руҳида тарбиялаш биз учун янада долзарб аҳамият касб этмоқда.



ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ



Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари –
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий
прокурори

Шу боис уларни ўз касбига содиқ ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича режа ишлаб чиқилиб, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темурнинг ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойиллик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнатилган бўлиши инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июль кунги «Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби» номи берилди.

Шунингдек, бугунги кунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Куролли кучлар тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бўйича қабул қилинган концепциялар доирасида ҳар томонлама ривожланган, билимдон ёшларни тарбиялаш бўйича кенг миқдосли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2019 йил 28 июнь кунги «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республи-

каси Куролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия таркибида «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилди.

«Темурбеклар мактаби» битирувчиларига Ўзбекистон олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга киришда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ўтказадиган тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг 30 фоизи миқдориди, республиканинг бошқа давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда эса ўзлари тўплаган балларнинг 15 фоизи миқдориди қўшимча баллар кўринишида имтиёз ҳамда ҳарбий академик лицейни имтиёзли диплом билан тугатган битирувчиларга таркибида «Темурбеклар мактаби» бўлган вазирлик ва идораларнинг олий ҳарбий ёки ихтисослаштирилган билим юртлигарида тест синовларисиз, ҳарбий-касбий саралаш тадбирларидан ўтиш натижалари бўйича кириш ҳуқуқи берилди.

Фармон билан «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларини ташкил этиш ва уларнинг ўқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури («Йўл

харитаси») тасдиқланиб, унда ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-маърифий тарбия жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентига, халқига содиқ бўлган, ватанга хизмат қилишга тайёр турган закий номзодлар республикамизнинг олий ҳарбий, махсус ва бошқа таълим муассасаларига киришни таъминлаш мақсадида «Маънавият асослари» дarsi бўйича ўқув дастури, режалари ва ўқув-услубий комплекслари ишлаб чиқилди. Ўқувчиларда ахлоқий-психологик барқарорлик ва касбий вазифаларни бажаришга шай туришни шакллантириш мақсадида уларни психологик қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлиса қилган мурожаатида «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур» деб таъкидлагани бежиз эмас.

Мурожаатда Президентимиз мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўйиб, ёшлар билан ишлаш самардорлигини баҳо-

лаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш кераклигини, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи «Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясини ишлаб чиқиш унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарурлигини билдирди.

Шу сабабли жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, «Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз ватанингизни кўз қорачиқиде асран!» деган шиор қалбимиздан чуқур жой олиши керак.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самардорлиги ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тадбирларнинг ёшлар онги ва қалбига ижобий таъсир этиб, уларнинг интеллектуал, ижодий ва касбий салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги фаоллиги ошгани, ватанини ҳимоя қилиш ҳамда унинг хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб етгани, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳар қандай хизматга доимо шай туриш позицияси шаклланиши билан белгиланади.

Республика ҳарбий прокуратураси органлари томонидан «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларида ўқувчиларнинг тафаккурини, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини «прокурор соати» дarsi ташкил этилган.

«Прокурор соати» дарслари Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан бошқа умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан ҳам мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Келажаги буюк давлат қуришда ёшлар ҳал қилувчи кучдир!» деган қатъий тамойилга амал қилиб, бу йўлда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этсак, мақсадга эришишимиз муқаррар.



Ҳарбий хизматчиларнинг оила бекалари ўртасида «Балли, аёллар» кўрик-танлови ташкил этилди.

FAQOLIYAT



Исламджан ЭРГАШОДЖАЕВ,
Жиззах вилояти прокурори

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатилиб, бу борада тизимли таҳлиллар ўтказиб борилди.

Мазкур фармон билан прокуратура органларига мамлакатда бизнесни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада кучайтириш, мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш юзасидан бир қатор вазифалар юклатилди.

Тадбиркорларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини тиклашда, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида фаол ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, 2019 йилда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва унинг қафолатлари юзасидан жами 31 та текшириш ўтказилиб, ғайриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 48 та протест келтирилди, аниқланган қонунобузилишларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотларга 24 та тақдимнома киритилди, 35 нафар шахс интизомий, 10 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, тадбиркорларга етказилган 31,2 млрд. сўм зарар ихтиёрий равишда қопланиши таъминланди, тадбиркорлар манфаатини қўлаб судларга 14,4 млрд. сўмлик зарарни ундириш ҳақида 571 та даъво аризаси киритилди, 23 нафар мансабдор шахс қонунобузилишига йўл қўймаслик юзасидан расман огоҳлантирилган бўлса, жиддий қонунобузилишлар юзасидан 16 та жиноят иши қўзғатилиб, 1768 нафар тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Олиб борилган тадбирлар натижасида 2019 йилда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ 209 та ҳолат аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриб борилди.

Солиқ органлари томонидан 8 та ҳолатда 182,8 млн. сўм, банк ходимлари томонидан 2 та ҳолатда 41 млн. сўм, электр таъминоти ходимлари томонидан 2 та ҳолатда 1 млн. сўм ортиқча пул ундирилгани аниқланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди. Масалан, Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ДСИ томонидан Ўзбекистон Республикасининг эски таҳрирдаги Солиқ кодекси 64-моддаси талаблари тўлиқ ўрганилмасдан туриб, “Huachin cement Jizzakh” МЧЖ шаклидаги хоржий корхонаси ҳисоб рақамидан 130 млн. сўм маблағ бюджетга ундириб олинishiга йўл қўйилганини аниқланиб, айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Ўтган даврда иккита ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисобварақлари ноқонуний тўхтатиб қўйилгани аниқланиб, ҳолат юзасидан

ТАДБИРКОРЛАР – ҲИМОЯМИЗДА

ДСИ ходимларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва тўлланган ҳужжатлар маъмурий судга юборилиши таъминланди.

Хусусан, Янгибод тумани ДСИ бошлиғи Ў.Х. «Urda ex fruit» хусусий корхонаси молиявий ва солиқ ҳисоботларида 401,6 млн. сўм қўшилган қиймат солиғи тўланмай қолгани сабабли корхонага хатони бартараф этиш, аниқлаштирилган ҳисоботни 10 кун ичида тақдим этиш ҳақида 2019 йил 30 майда талабнома юбориб, ҳисобот белгиланган муддатда тақдим этилмаса судга даъво аризаси юборилиши ва ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чоралари кўрилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Корхона кўрсатилган муддатда асослантирилган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этмагани сабабли 9 июлда унинг «Ипотекабанк» Жиззах вилояти филиалидаги ҳисоб рақами вақтинча тўхтатилган.

«Urda ex fruit» 29 июлда асослантирилган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этгани учун 30 июлда корхонанинг банкдаги ҳисоб рақами очиб берилган.

Шундан сўнг туман ДСИ бошлиғи Ў.Х. корхонага молиявий ва солиқ ҳисоботларида тафовут мавжудлиги ҳақида талабнома юбормасдан, унинг «Ипотекабанк» Жиззах вилояти филиалидаги ҳисобрақамини тўхтатиш тўғрисида камерал назорат бўлимига кўрсатма бериб, корхонанинг ҳисобрақамини 12 августдан 13 сентябрга қадар қонунга хилоф равишда тўхтатиб тургани аниқланди.

Ўрганиш натижасига кўра Янгибод тумани ДСИ бошлиғи Ў.Х.нинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Жумладан, «Triumph eco recovery» қўшма корхонаси таъсисчиси, Хитой фуқароси Чен Янжуннинг аризасини ўрганишда маълум бўлишича, корхона раҳбари ва таъсисчиси Д.Жўракулов «Triumph eco recovery»га 36 ой муддатга йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан 1 млрд. 95 млн. сўм кредит ажратиш ҳақида расмийлаштирилган 4-таъсисчилар йиғилиши баёни ва ишонномада Чен Янжуннинг имзосини сохталаштириб, ушбу ҳужжатларни «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Жиззах вилояти филиалига тақдим этган. 2018 йил 26 июлда қонунга хилоф равишда 1 млрд. 95 млн. сўм кредит ажратилишига эришган. «Андижонкабель» қўшма корхонасидан 1,6 млрд. сўмлик кабель олиб келиб, нақд пулга сотиб, тушган пулни ўз эхтиёжи учун ишлатиб юборган.

Ушбу ҳолат бўйича жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Ўрганишлар давомида олти ҳолатда вилоят ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини асосиз равишда ҳомийликка жалб этгани аниқланиб, қонунобузилишларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз муддатида ва ҳолисона кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг натижасида тадбиркорлардан келиб тушган 549 та мурожаатдан 182 таси қаноатлантирилиб, 366 таси бўйича тушунтириш берилди, судларга 2,4 млрд. сўмлик 24 та даъво аризаси киритилди ва кўрсатилган ёрдам натижасида 26,1 млрд. сўм ва 361,8 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олиб берилиши таъминланди, 774,5 млн. сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундириб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда давлат мулк объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибига доир фармон ва қарорлари талабларига риоя этилиши устидан ҳам назорат ўрнатилиб, вилоятда фойдаланилмаётган объектларнинг рўйхати тузилди.

Вилоятда инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилмаётган давлат мулк объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотишнинг жадаллаштириш ҳамда бўш турган объектларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш мақсадида жами 81 та давлат мулк объектлари 471,7 млн. сўм бошланғич нархда «E-jro aukcion» электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилди.

Савдода сотилган 42 та давлат мулк объекти бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига кўра харидорлар белгиланган муддатда 906 млн. сўмлик тўловни тўлаши, 15,5 млрд. сўмлик инвестиция киритиши ҳамда 415 та янги иш ўрни яратиши кўзда тутилган.

Вилоят прокуратураси бўш турган давлат мулк объектлари ва ер участкаларини аукцион орқали реализация қилиш жараёнининг қонунийлиги, улардан самарали фойдаланилиши, аукцион фолиблари ўзларига юклатилган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажариши устидан доимий назорат ўрнатган.



Сирдарё вилоятида Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси томонидан қиймати 1 миллиард долларга тенг бўлган 1,5 ГВт қувватга эга ИЭС қурилиши режалаштирилди.



FAOLIYATIDAN

КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТНИ ЕМИРУВЧИ ИЛЛАТ

Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, соҳада қонун устуворлигини таъминлаш тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2019 йилда жами 476 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 160 та жиноят иши қўзғатилган, маъмурий ҳуқуқбузарликка доир 296 та иш юритилган.

Департаментнинг асосий вазифаларидан яна бири спирт ва алкогольли ичимликларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишнинг олдини олишдан иборат. Бу борада олиб борилган тадбирларда 5 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 7 млн. 265 минг сўмлик маҳсулот ашёвий далил сифатида олинди.

Яширин иқтисодиёт – тараққиёт кушандаси. Бу борада 61 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 1 та жиноий ва 60 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан ноқонуний ишлаб чиқарилган ва муомалага киритилган 736,3 миллион сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Пулнинг банкдан ташқари айланиши иқтисодиётимизга, давлат бюджетига жиддий зиён етказди. Шунинг учун пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартиришга доир қонун ҳужжатлари ижроси доимий назоратимизда. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 20 млрд. 735 млн.

сўмлик ноқонуний нақд пул айланиши аниқланиб, 17 та жиноят иши қўзғатилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатида жамият ривожига ғов бўлаётган иллат – коррупцияга алоҳида тўхталиб ўтди. Коррупцияни йўқ қилмас эканмиз, бирорта ҳам соҳани ривожлантира олмаймиз деб алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, ушбу иллатга қарши курашга жамиятдаги барча кучларни сафарбар қилиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Яширин иқтисодиётга қарши кураш жараёнида 61 та ҳуқуқбузарлик аниқланди.

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида коррупцияни фош этиш бўйича ўтказилган тадбирларда 81 та жиноят иши қўзғатилди. Шундан 4 ҳолатда ҳокимият ходимларига нисбатан, 4 та ҳолатда банк ходимларига

нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланган. Масалан, Хоразм вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази маъсул ходими Э.А. қўшқўпирлик фермер С.Р.дан ишлаб чиқарган твороги бўйича марказ бошлиғининг ижобий хулосасини олиб беришини айтиб, эвзизига 600 минг сўм талаб қилади.

Шунингдек, Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази давлат қорхонаси мутахассиси Б.Х. ҳам С.Р.дан маҳсулотни бўйича қорхонанинг сертификатини олиб беришини айтиб, 1 млн. 500 минг сўм талаб қилади. Ушбу ноқонуний ҳаракатлардан норози бўлган фермер департаментнинг Хоразм вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

Ўтказилган тезкор тадбирда Э.А. фермердан 600 минг сўм, Б.Х. 1 млн. 500 минг сўм пулни

олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноят учун жазо муқаррарлигини юртдошларимизга тушунтириш, жамиятда коррупцияга мурасасизлик муҳитини шакллантириш мақсадида ўтган йили 4411 та тадбир ўтказилган. Радиоада 823 та, телесвидениеда 748 та, матбуотда 354 та, интернет тармоқларида 246 марта чиқиш қилинди.

Бир сўз билан айтганда иқтисодий жиноятларга, коррупция ва хуфийна иқтисодиётга сезиларли зарба бериш учун, аввало, жамиятдаги барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши билан бирга, унга риоя этиши лозим. Бошқалардан ҳам шунини талаб қилиб, мансабдорларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириши керак.

Гайратжон СУЛТАНОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи

Масалан, тезкор маълумот асосида ўтказилган тадбирда Хонқа тумани Пахтакор маҳалласида яшовчи А.Н. туман марказидаги Иморат кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўконда ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шугулланиб келаётгани фош этилди. У ўзи ишлаб келаётган дўконда 3300 АҚШ долларини харидорга ноқонуний равишда 27 млн. 984 минг сўмга сотган вақтда департамент ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Холислар иштирокида кўздан кечирилганда А.Н.нинг ёнидан 1435 АҚШ доллари, 3000 Россия рубли, 134 минг сўм борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ҳуқуқбузарга нисбатан қонун доирасида жазо тайинланди.

ФОЙДАДАН ҚУРУҚ ҚОЛДИ

Дехқон бозори, буюм бозори – гавжум жой. Йўлингиз тушса одамлар оралаб, кўзлари олазарак кишилар ёнгинангиздан ўтиб қолади. Ҳар-ҳар замон «доллар оламини», «кўк борми?» деб қўяди. Дўконларда ҳам валюта айирбошлаш билан шугулланадиганлар йўқ эмас.

«Карвон» буюм бозоридаги дўконга кириб келган одам Соли Яхёвва долларини сўмга алмаштироқчи эканини айтиб қолди.

– Кечирасиз, долларнинг нархи қанча, билмайсизми?

– 9380 сўм. Алмаштирасизми? Қанча бор?

– Уч минг.

– Беринг, – С.Яхёвв энчилик билан ишга киришди.

28 млн. 140 минг сўмини санаб бериб 3 минг АҚШ долларини қўлга олди-ю, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар

ходимларига рўбарў келди. Чўнтагидаги 7 минг Россия рублини ҳам ихтиёрий равишда чиқариб берган долларфуруш мўмай даромаддан қуруқ қолди.

Суд ҳукмига биноан Соли Яхёвв Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилди ва унга 1 йилу 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
департаментнинг Қорақўл тумани бўлими бошлиғи

ФИРИБИ ИШ БЕРМАДИ

Меҳнат инсонни улуғлайди, қадрини оширади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни ва обрўси унинг изланувчанлиги ва меҳнаткашлигига боғлиқ.

Амалдаги қонун ҳужжатларида фуқароларнинг меҳнат қилиши ҳуқуқини ҳар қандай шаклда чеклаш тақиқланган. Лекин Қўқон давлат педагогика институтининг 1-талабалар тураржойи тарбиячиси вазифасида ишлаб келган Н.А. яхши янаша фақат меҳнат орқали эришиш мумкинлигини кеч тушуниб етди.

Департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси ўтказган тезкор тадбирда ушбу шахс фуқаро Ф.Д.ни алдаб, унга юқори лавозимда ишловчи танишлари

орқали Фуркат туманидаги МТМга мудири вазифасига тиклаб беришни ваъда қилади. У Ф.Д.дан фирибгарлик йўли билан 2500 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди Н.А.га қилмишига яраша жазо тайинлади.

Отабек АЗИМОВ,
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

ҲАР БИР ЙИЛ УЧУН ЮЗ МИНГ

– Ўн беш йил учун бир миллион беш юз минг сўм бўлади. Ҳар бир йил учун юз минг сўмдан...

Р.Г. фуқаро С.Н.нинг қўшниси Қ.М.га Қарши тумани архивидаги танишлари орқали унинг ишламаган йиллари учун ҳам иш стажини ёздириб бериши учун шунча пул талаб қилди. Балки ўшанда Р.Г. нега «мижози» янада кўпроқ йил ишламаганидан афсуслангандир...

Департаментнинг Қарши тумани бўлими томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимлари билан

хамкорликда фуқаро С.Н.нинг мурожаати юзасидан Қарши шаҳридаги «Эски буюм бозори» МЧЖ ёнида ўтказилган тадбирда Р.Г. талаб қилган пулнинг 600 минг сўмини олаётган пайтида қўлга олинди.

Суд ҳукми билан «хожатбарор»га тегишли тартибда жазо тайинланди.

Бекзод ЖАББОРОВ,
департаментнинг Қарши тумани бўлими бошлиғи

ШАРТГА РОЗИ БЎЛДИ, АММО...

Ўғли ўқийдиган коллеж ўқитувчиси Р.Р.нинг телефон қўнғироғи онанинг кўнглига ғулғула солди. Нима эмиш, ўғли ярим йиллик дарсларга тўлиқ қатнашмабди. Шу сабабли директорнинг топшириғи билан кўп дарс қолдирган ўқувчилар якуний имтиҳонларга киритилмас, уларга диплом ҳам берилмас эмиш.

Аммо ўқитувчининг гап орасида бунинг иложи борлигини қистириб ўтгани уни ўйлантириб қўйган эди. Яъни агар 100 АҚШ долларни берса, ҳамма муаммо ҳал бўлар экан.

Начора, она ўғли учун бу шартга рози бўлди. Орадан икки кун ўтгач, она айтилган миқдордаги пул билан коллежга келиб, Р.Р.ни кутиб турганида ичкаридан таниш ўқитувчи чиқиб қолди-да, ундан нима қилиб турганини сўради. Она ноилж ҳамма гапни айтиб берди. Таниши унинг гапларини эшитган заҳоти бундай бўлиши мумкин эмаслиги, бу йўл ноқонунлигини айтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишни маслаҳат берди...

Она коллеж ёнига келиб Р.Р.га кўнғироқ қилди. Кўп ўтмай улар учрашиб, она унга пулни тутказган пайтда департамент ходимлари пайдо бўлиши ва унга хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, тезкор тадбир ўтказилаётганини маълум қилишди. 100 долларни ашёвий далил сифатида олиб, керакли ҳужжатларни расмийлаштиришди.

Фуқаро Р.Р.га нисбатан қўзғатилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судида атрофича қўриб чиқилиб, айбдорга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Умиджон ИСМАТУЛЛАЕВ,
департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими катта инспектори

ТУБАНЛИК

ЁХУД АЙБСИЗ ГЎДАК ҚИСМАТИ

Аввало бир ҳолатга алоҳида урғу беришни истардик. Бу биринчи галда турмуш ўртоғи билан ажрашиб, алимент тўлаётган оталарга тегишли. Айтмоқчимизки, алимент хотин учун эмас, ўз пушти камарингиздан бўлган фарзанд учун тўланади.



Хотинга жаҳл қилиб пул тўлашдан бўйин товлаш, ҳийла ишлатиб фарзанднинг ҳақини поймол қилиш эркининг иши эмас. Аллоҳ оталик бахти билан сийладими, бунга шуқур қилиб яшаш керак. Келишмовчилик туфайли ажралишга тўғри келса, ота бўлмиш алиментни ўз вақтида, чин дилдан адо этиши лозим. Агар имкони бўлса, фақатгина алимент тўлаш билан чекланмай, фарзанднинг бошқа эҳтиёжларини ҳам вақтида қондириб, бировга муҳтож бўлишига ҳожат қолдирмаслик керак. Аммо, афсуски, орамизда оталик бурчини бажариш ўрнига жиноятга қўл урган кимсалар ҳам учраб турибди.

Тўйдан кейин бир ой ҳам ўтмасдан уларнинг ширин турмушга дарз кетди. Эр бўлмиш Равшан (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳуда-беҳуда уруш қиладиган, хотинининг ота-онаси ажрашиб кетганини юзига соладиган бўлди. Кўп ўтмай қўл кўтаришдан ҳам тап тортмади. Роҳила ҳомилалдор бўлса-да, барчасига чидади. Ўзи отасиз ўсгани учун фарзанди ота меҳридан мосуво ўсишини хошламади.

2018 йилнинг ёзида ўғилли бўлишди. Аммо фарзанднинг тутилиши ҳам онлага иллик олиб келмади. Уруш-жанжаллардан безор бўлган Роҳила охири бола-сини олиб ота уйига кетиб қолди. Бироз муддатдан сўнг

эса фарзанднинг таъминоти учун алимент ундириш мақсадида судга ариза берди. Суд унинг даъвосини қаноатлантирди ва 2019 йилнинг апрель ойида фарзанди уч ёшга тўлгунча Равшандан ҳар ойда топган даромаднинг 70 фоизини алимент тариқасида тўлаб бориши ҳақида қарор чиқарди.

Айтмоқчи, «Гумон иймондан айирар» деганларидек, ўша кезларда Равшанда бола ўзиники эмаслиги ҳақида шубҳа пайдо бўлган. Устига-устак, унга алимент ҳам қўшилиб, ўзини кўярга жой тополмай қолди. Шундай бўлса-да, май ойида фуқаролик судига мурожаат қилди ва онасининг иштирокида ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ўғли билан икки соатга кўришиш тартиби белгиланишига эришди. Бироқ фарзандни кўришга ҳеч бир монелик бўлмагани холда, унинг ҳолидан хабар олишга унчалик ошिकмади.

Фақат июнь ойига келибгина эрта билан қайнонасининг оstonасида пайдо бўлган Равшан хотинини чақириб, уни боласи билан айлантириб келмоқчилигини айтган эди. Роҳила уйда ишлари қўлиги туфайли рози бўлмади. Шунда Равшан нонушта қилмаганини айтиб, бир пиёла иссиқ чой олиб чиқиб беришини илтимос қилди. Роҳила чой олиб чиққанда эса ота-бола ғойиб бўлишган эди.

Она божқиш аввалига нима қилишини билмай қол-

ди. У ёқ-бу ёқка югурди, улар кўринишмагач, шоша-пиша қайнонага кўнграқ қилди. Кейин МФЙ раиси билан профилактика инспекторига воқеа ҳақида хабар берди...

Бу пайтда Равшан ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган ўғилчасини кўтарганча Шимолий Фарғона канали томон йўл олган. Шу тобда унинг ҳаёлидан нималар кечгани фақат ўзига ва Аллоҳгагина аён. Каналга етиб келгач эса тўсатдан нималар бўлаётганини идрок этишга-да оғир бўлди. Мавжланиб оқаётган сув зумда болани домига тортиб кетди...

Кўп ўтмай фарзандининг гулдк умрига зомин бўлган Равшан отаси билан Наманган шаҳар ички ишлар бошқармасига борди ва айбига иқроп бўлиб, бор гапни айтиб берди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди Равшан Тоировга 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, тайинланган жазонинг дастлабки икки йилини турма режимда, қолгани қисмини умумий тартибдаги колонияларда ўташи белгиланди.

Лазизжон БАРАКАЕВ,

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Устомон киссавур

Ҳаётда адашган инсонлар, ўз бахтини ҳаром пулни деб барбод этганлар бисёр. Бир қоқилишда ўзини ўнглаб, тўғри йўлга тушиб олса яхши-я, айримларнинг бот-бот шу ботқоққа ботиши ёмон.

«Адашдим... Ёшлиқ қилдим... Кечиринглар... Бошқа бундай қинғир ишга қўл урмайман... Енгиллик беринглар...», – дейди бундайлар гўё ҳаммининг раҳмини келтирмоқчилик.

«Инсон боласи хом сут эмган банда-да, боши деворга урилмагунча кўзи эчилмайди. Ёшлиғига бориб адашибди. Бир марта жиноят солир этган бўлса, кечирса, енгиллик берса бўлар», – дейишди дафъатан. Афсуски, Зафар Қурбоновнинг (исм-фамилиялар ўзгарган) бу қилмиши биринчи ёки иккинчи, ҳатто учинчиси ҳам эмас. Бешинчи жиноят... Гоҳ фирибгарлик билан, гоҳ ўғирлик билан камалган...

Таассуфки, 3.Қурбоновнинг оиласи, икки фарзанди бор. Қилмишлари билан бир-бир танишиш асносида «Ўзи ҳалол йўлдан юролмайдими-ю, фарзандларига қандай тарбия бераётгани экан?» деган мулоҳазага ҳам борасан киши...

3.Қурбонов 2019 йил 18 июль куни Наманган шаҳридан Чортоқ тумани сари отланди. Ниёти бузук эди унинг – ниманидир ўғирлаб, пуллаш!

У шу ниёзда Чортоқ тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудудига кириб борди. Ахир бу ер гавжум – кимдир бемор кўргани келди, кимдир шифо естаб... Бировнинг биров билан иши йўқ. Шу «қизгин жараён»да кимларнингдир кўзини шамғалат қилишга улгурса бўлди...

3.Қурбонов ўзини хотиржам тутганча бировнинг эътиборига тушмай бирлашманинг маъмурий биносига кирди. Аввал ён-атрофни обдон кўздан кечирди. Ҳамширалар хонасида

ҳеч ким йўқлигини кўргач, кишибилмас ичкарига кириб олди.

Қараса, стол устида бир дона «Samsung galaxy-S4» русумли телефон аппарати ва унинг ёнида аёллар сумкаси турибди. Ичинини очди-ю, бир дона тилла занжир ва дасталанган пулни кўриб қувончдан сакраб юборай деди. Тезда сумкани олди-да, бу ердан жўнаб қолди.

Панарок жойга етиб олгач, сумкани сойга улуктирди. Телефонни 300 000 сўмга сотиб юборди. 152 000 сўм пулни эса ўз эҳтиёжлари учун сарфлади.

3.Қурбонов эртаси куни Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасини мўлжалга олди.

У етиб борганида шифохонанинг жонлантириш бўлимида одам у қадар кўп эмасди. Бундан фойдаланиб бир амаллаб ичкарига кирди. Очик эшиклардан қараганди, 5-хонадаги бемор қаттиқ ухлаб ётган экан.

3.Қурбонов чаккон ҳаракатлар билан хонага кириб, эшикни аста ёнди. Сўнгра беморнинг ёстиғи ёнида турган нархи 8 000 000 сўм бўлган «Iphone-X» русумли телефонни олди-да, бу ердан ҳам «кўён бўлди».

Телефонни 1 700 000 сўмга пуллаб юборди. Устомон киссавур узокка қочиб кетолмади. Кузатув камераларидаги тасвирлар уни осонгина топиб берди.

Илгари тўрт бора судланиб ҳам кўзи очилмаган 3.Қурбонов қилмишининг ижтимоий ҳавфлилик даражаси эътиборга олиниб, унинг ҳулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаб бўлмайди деган қарорга келинди ва унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Расулжон БОБОЖОНОВ,

Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Ҳаёт йўли бир текис, равон эмас. Ундаги синовлар баъзан одамни эсанкиратиб, тўғри йўлдан оздириши мумкин.

ИсловоТ ХОНАга айланган

Ана шу синовлардан мардонавор ўтиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бориға қаноат, йўғига сабр қилганлар ҳаёт лаззатини туядилар. Латофат Хонкулова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 27 ёшни қарши олди. Бироқ оиласидан бахт топмай ажрашиб кетди. Биринчи турмуши барбод бўлган айрим жувонлар тезда бойиш учун хорикжа кетишга чоғланади ёки енгил ҳаёт тарзини танлайди. Сабр қилиб, тенги чиқшини, яна бахтли ҳаёт келишини кутмайди. Аслида ҳар ким маънавиятидан келиб чиқиб фикрлайди.

Латофат оиласи билан ажрашгач, ўзини эркин куш хис қилиб, хорикжа чиқиб кетди. Кетганда ҳам амалдаги қонунларни менсимай, тартибни бузиб кетди. Ушбу ҳолат аниқлиниб, жиний жавобгарликка тортилди. Амнистия тўғрисидаги қарорга асосан ўталмай қолган жазодан озод қилинган эди. Аммо қўрган-кечирганлари сабоқ бўлмади. У яна қонунни бузди.

Латофат шаҳарга келиб, бир уйни ижарага олди. Кимдир таъна қилса, баҳона тайёр: тирикчиликнинг айби йўқ, оилавий шароит оғир ёки бўлмаса иш йўқ. Шундай ҳаётда Латофат энг жирқанч йўл билан пул топишни режа қилди ва ижара уйида фоҳишахона очди. Аста-секин пана жой излаган зиноқорлар келадиган, жой учун Латофатга пул тўлаб кетадиган бўлишди.

«Ойни этак билан ётиб бўлмайди» деганларидай, Латофатнинг қилмишидан хабар топганлар тегишли жойга мурожаат қилиб, унинг қилмишига чек қўйилишини сўради.

Бир куни дугонаси билан уйда ўтирган Латофатга кўнграқ бўлди. – Телефон рақамингизни Комилдан олдим, – деб таниш таксичини айтиди гўшак ортидаги овоз. – Бир қиз билан бормоқчи эдим. Бир соатга қанча бўлади?

– Келаверинг, келишиб оламиз, – деди аёл. Орадан 15-20 дақиқача вақт ўтиб, эшик тақиллади. Латофат остонада уларни кутиб олди, ётоқхона учун бир соатга 100 минг сўм олди.

Орадан кўп вақт ўтмай ИИБ ходимлари ҳолислар билан бирга кириб келишди. Латофатни ашёвий далиллар билан қўлга олишди. Суд ҳукмига кўра унга 360 соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланди.

Абдурахмон АБДУЛЛАЕВ,

Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



МИБ Жиззах вилояти бошқармасига 2019 йилда 339 млрд. 820 млн. 800 минг сўмлик 9385 та ижро ҳужжати келиб тушган. Ўтказилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида 374 млрд. 100 млн. сўмлик 16295 та ҳужжатнинг иш юритuvi тамомланган бўлиб, шундан 229 млрд. 400 млн сўмлик 6795 тасининг ижро-

Бир йилда ўн мингга яқин ҳужжат

си таъминланган.

Қолдиқдаги 21 млрд. 100 млн. сўмлик 2188 та ижро ҳужжати тўлиқ хатловдан ўтказилган бўлиб, улар бўйича қарздорларга тегишли 21 млрд. 600 млн. сўмлик 31 та кўчмас мулк, 1 млрд. 800 млн. сўмлик 13 та кишлоқ хўжалик техникаси, 107 млн. 500 минг сўмлик 2 та автотранспорт ҳамда 60 млн. сўмлик 1 та бошқа турдаги мулк хатловга олиниб, 584 млн. 800 минг сўмлик битта кўчмас мулкдан ташқари барча мулклар аукцион савдосига чиқарилган ва сотув кунлари белгиланган. Мисол учун, Жиззах туманлараро иқтисодий судининг

ижро ҳужжати асосан «Жиззах дон маҳсулотлари» АЖдан Жиззах шаҳар ДСИга 4 млрд. 224 млн. 600 минг 76 сўм солиқ қарзи тўлиқ ундириб берилган.

Бундан ташқари, Жиззах туманлараро иқтисодий судининг ижро ҳужжати асосан «Poydevor qurilish nu» МЧЖдан Жиззах шаҳар ДСИга 1 млрд. 233 млн. 915 минг 318 сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ҳужжатнинг ижроси таъминланган.

Суръат ЖАББАРОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Хато тўғриланди ва кечирилди

МИБ Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари томонидан Урганч – Янгиариқ автомобиль йўлида ўрнатилган ёритиш чирокларидан ноқонуний фойдаланиб келинаётгани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган терговга қадар текширувда бу қилмишни «Хоразмйўлқурилиш» УК содир этгани фош қилинди. Бунинг натижасида «Хоразмйўлқурилиш» Урганч шаҳар электр таъминоти корхонасига 63 млн. 939 минг сўм зарар етказган.

Амалдаги қонунчиликда шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлгани туфайли ёхуд белгиланган муддатда етказилган зарарни қоплагани ва жиноят оқибатини бартараф этгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши

назарда тутилган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги кўрсатилган.

МИБ Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари томонидан «Хоразмйўлқурилиш» УК масъул шахсининг ўз қилмишига пушаймон бўлгани, таъминоти корхонага етказилган 63 млн. 939 минг сўм зарар белгиланган муддатда қоплангани сабабли ЖПКнинг 84-моддасига асосан жиноят ишини кўзгатиш рад қилинди.

Камаладдин РАХИМОВ,
МИБ Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

МИБ ходимларига шикаст етмаган

Яқинда ижтимоий тармоқларда Самарқанд вилоятида МИБ ходимларини ёқиб юборишга уриниш бўлгани ҳақида хабарлар тарқатилган эди.

Жорий йилнинг 21 январь кунин соат 14:20 ларда МИБ Самарқанд шаҳар бўлими давлат ижрочиси М.Б. фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 12 сентябрдаги жавобгар Д.Р.ни Навоий шохқўчаси 49-уй 16-хонадондан мажбурий чиқариш ҳақидаги ижро ҳужжати асосан 12 нафар ижрочи ёрдамида мажбурий ижро ҳаракатларини бошлаган вақтида Д.Р. ижрочиларни алдаб, хонадонга кириб, ичкаридан сочикни ёққан ҳолда кўтариб чиқиб подъездда тўпланиб турган ижрочиларга улоқтирган.

Сочик ижрочиларга тегмасдан биринчи каватнинг зи-

насига тушган. Лекин Д.Р. бу билан чекланмасдан баклажкага солинган бензинни ҳар томонга, шу жумладан, ёниб турган сочикка сепа бошлаган. Сепилган бензин ижрочиларнинг кийимларига ҳам тушган бўлса-да, аланга уларнинг кийимларига тегмаган.

Мазкур ҳолатда бирор бир ходим ёки фуқаро жароҳат олмаган. Д.Р.ни ИИБ ходимлари тинчлантиришган ва турли жойлардаги оловни ёнгин хавфсизлиги ходимлари ўчиришган.

Ушбу ҳолат юзасидан Д.Р.га нисбатан Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатилиб, у ЖПКнинг

221-моддасига асосан ушланган.

Ачинарлиси, тўлов қобилиятига эга бўлган айрим фуқаролар қарзини тўлаш ўрнига, ижтимоий тармоқлар орқали бюро фаолияти ҳақида бўхтон тарқатишга ҳаракат қилмоқда. Шу боис истеъмолчиларни энергия ресурсларидан фойдаланишга оид шартнома ҳамда тўлов интизомига риоя қилишга, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросига тўқсизлик қилмасликка ундаб қоламиз.

Рахимжон БАХРИДДИНОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси инспектори

Ўзбекистонда давлат болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди, уларни ҳимоя қилади, шунингдек, ота-оналардан вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашни талаб қилади.

Яхши гап билан оила тикланди

Мажбурий ижро бюроси органларидаги 974 мингдан ортиқ ҳужжатнинг 318 мингдан зиёди алимент билан боғлиқ. Алимент ундириш билан бирга оталарнинг масъулиятини ошириш, оилаларни тиклаш борасида ҳам профилактик ишлар олиб борилмоқда. Натижада 12 912 та оила яраштирилди.

Жумладан, Бюронинг Данғара тумани бўлимига 13 январда ундирувчи Ф.Ёкубова ва қарздор В.Парпиевлар таклиф этилиб, уларга оиланинг муқаддаслиги ва фарзандларнинг келажаги ҳақида қайғуриш ота-онанинг мажбурияти эканлиги тушунтирилган.

Бир муддат олдин, яъни бюронинг туман бўлими биносига киришдан аввал тортишиб, жанжаллашган оила бинодан бир-бутун оила бўлиб, болаларини елкаларига кўтариб чиқиб кетишган. Бундан кейин шу каби хайрли ишлар давом эттирилади.

Ўтказилаётган тадбирларда давлат ижрочилари томонидан оталарга фарзанди 18 ёшга тўлгунга қадар алиментни олдиндан тўлаш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилаётгани ҳам самара бермоқда.

Зоҳиджон МИРМАХМУДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

Ҳомий 10 млн. сўмдан ортиқ қарзни тўлаб берди

Бюро ходимлари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг мониторингини ўтказиб, баъзи сабаблар билан тармоқдан узилган бўлса, хомийлар орқали қарздорлик қопланиб тармоққа қайта улаб бериш каби хайри ишларни давом эттирмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Каттаҳовуз маҳалласи Иттифоқ кўчасида истикомат қилувчи Мўминовлар хонадонидида оила бекаси вояга етмаган уч фарзанди ҳамда 2-ғуруҳ ногирони, сил касаллигига чалинган турмуш ўртоғининг ёлғиз боқувчиси ҳисобланади.

Мазкур хонадоннинг коммунал хизматлардан қарзи йиллар давомида тўланмай 10 млн. 400 минг сўмга етган. Натижада оила газ тармоғидан узилган. Тадбиркор З.Ҳошимов савоб йўлида мазкур хонадоннинг табиий газдан 5 800 000 сўм, ичимлик сувидан 2 800 000 сўм, маиший чиқиндидан 1 132 000 сўм ҳамда электр энергиясидан 680 000 сўм қарзини тўлаб берди.

Хонадон эгалари юртимизда шундай саховатли инсонлар борлигидан мамнун.

Жамолддин ҲАЙДАРОВ,
МИБ Шайхонтоҳур тумани бўлими катта инспектори

Ўғрида инсоф бўладими?

Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти бошқармаси истеъмолчиларнинг энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишини доимий равишда назорат қилиб бормоқда. Ана шундай тадбирларнинг бирида «Ўзтрансгаз» АЖ Қашқадарё вилояти филиалининг мансабдорлари улгуржи истеъмолчиларнинг газ ҳисоблагичи кўрсаткичларини олиб таҳлил қилиб бормасдан, табиий газнинг рухсатсиз ишлатилгани тўғрисида бюро ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларни хабардор қилмасдан давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлгани аниқланди.

Хусусан, «Худуд газ таъминот» АЖ ва «Ўзстандарт» агентлиги Қашқадарё синови ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда

ўтказилган текширишда Ғузор туманидаги «Tazib» МЧЖга қарашли автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида газ ҳисоблаш ускунасига 2019 йил 1 августдан 18 сентябрга қадар ташқи таъсир ўтказилиб, 1 млрд. 31 млн. 683 минг сўмлик 1 031 683 м³ табиий газ яширинча сотилгани маълум бўлди.

Ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб, шохобча газ тармоғидан узиб қўйилган эди. Шундан сўнг МЧЖ давлатга етказилган зарарни ҳамда тармоққа қайта улаш учун тўловларини тўлади ва 2020 йил 22 январь кунин тармоққа улаб берилди.

Гулноза ДИЛМУРОВА,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



устворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчиға содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиға сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Ҳурмати Асатулла Ҳақимов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизға ва оила аъзоларингизға мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизға тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!



Прокуратура идораларида 37 йил мобайнида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Султанмурат Норходжаев табаррук 70 ёшни қарши олди.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Тошлоқ тумани прокуратурасида терговчи, Олмалик шаҳар прокуратурасида катта терговчи, Окқўрган тумани прокуратурасида терговчи, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида бошқара прокурори, бўлим бошлиғи, Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, Юнусобод ва Яшнобод туманлари прокурори, Тошкент шаҳар про-

куратурасида бўлим бошлиғи, бўлим прокурори, бўлим катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчиға содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиға сазовор бўлди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Султанмурат Норходжаевнинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурмати Султанмурат Норходжаев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизға ва оила аъзоларингизға сихат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизға файзу барака тилаймиз!

Прокуратура идораларида кўп йиллар самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Асатулла Ҳақимов табаррук 85 ёшни қарши олди. У прокуратура органлари тизимидаги фаолияти давомида Кўкон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Олтиарик тумани прокурорининг ёрдамчиси, Фарғона вилояти прокуратурасида бўлим прокурори, Олтиарик тумани прокуратурасида терговчи, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

JARAYON

ҚИММАТГА ТУШГАН ҚИМОР

Кува туманидаги 60-мактаб биносидида туман маъмурий суди томонидан очиқ суд мажлиси ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бўйича давра суҳбати ўтказилди.

Сайёр судда туманда содир этилган ҳуқуқбузарликлар кўрилди. Хусусан, фуқаро А.Қодиралиев, И.Акрамов, А.Комилов, М.Азимов, Ж.Алиев ва Б.Фазлиддиновлар ҳуқуқбузарлик содир этишган. Улар Кува тумани «Туркравот» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Д.Шукуровага тегишли «Абдукарим ота» чойхонасида қонунга ҳилоф равишда пул тикиб, карта ўйнаётганларида ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

Ҳуқуқбузарлар ёш бўлишига кара-

май, осон пул топиш илмида кимор ўйнашган, бугун эса қонун олдида жавоб беришмоқда. Суд ҳуқуқбузарларнинг чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шайронини, ёшлигини инобатга олиб, базавий ҳисоблашнинг уч баравари миқдоридида жарима жазоси тайинлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни 50 ёшни қаршилаган, ёшларға ўрнак бўладиган вақтида кимор ўйнаган О.Юсупов, У.Қодиров ва А.Содиқовлар ҳам содир

этишганига нима дейсиз? Улар Кува тумани «Янгиҷеко» маҳалла фуқаролар йиғини гузаридида қонунға ҳилоф равишда пул тикиб, карта ўйнашган. Энди қонуний жазосини олишиди.

Судда алимент тўлашдан бўйин товланган отанинг қилмиши ҳам кўриб чиқилди.

Азизбек ЖУМАЕВ,
Кува тумани маъмурий судининг раиси



Ҳуқуқий тарғиботнинг етарли даражада олиб борилмаслиғи, аҳоли қабул қилинаётган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тушунмаслиғи жамиятда қонун устуворлигини таъминлашға салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис 2019 йили 9 январь куни Ўзбекистон республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизи-

БЕПУЛ, ТЕЗКОР ВА ҲАММАГА

мини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги фармони қабул қилинди ва унга мувофиқ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Мазкур фармонға асосан Адлия вазирлиғида 2019 йил 1 июлға қадар Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизimini ишлаб чиқиш ва ишға тушириш вазифаси топширилди.

2019 йилнинг апрель ойидан бошлаб Advice.uz ҳуқуқий ахборот портали тест режимда ишлаб бошлади. Унда фуқароларнинг портал орқали қилган мурожаатлари қабул қилиниб, уларға жуда юксак муддатда, тахминан беш-ўн беш минут оралиғида малакали ҳуқуқшунослар томонидан ҳуқуқий асосланган жавоблар берилмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими-

ни такомиллаштириш мақсадида Advice.uz (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали негизидида «Мадад» муассаса шаклидаги нодавлат ношароит ташкилоти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинулари, туманларда уларнинг ҳуқуқий маслаҳат бюроларини ташкил этишға қиршилди.

2019 йил 12 декабрда Адлия вазирлиғи томонидан «Мадад» нодавлат ношароит ташкилотига давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома берилди.

Бугунги кунда худудларда муассасамизнинг 28 та бюроси ташкил этилган.

Аҳоли шунингдек «Telegram» даги «madadnt_bot» орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат олиши мумкин.

Бундан ташқари муассаса-

мизнинг фаолиятини ёритиб бориш, бепул ҳуқуқий маълумотларни тарқатиш мақсадида бир қанча ижтимоий тармоқларда саҳифалар яратилди.

«Мадад» фаолиятини бошлагандан буён ҳозирги кунға қадар бўлган статистик маълумотларға қарайдиган бўлсак, Advice.uz ва «madadnt_bot» орқали фуқароларнинг онлайн мурожаатлари йиғирма тўрт мингта яқин бўлса, худудлардаги бюроларға келиб маслаҳат олганлар сони икки мингдан ошган.

Хулоса ўрнида шунни айтишимиз мумкинки, ҳуқуқий ахборотни биз хоҳлаган вақтда эмас, ўзингиз хоҳлаган вақтда олишингиз мумкин.

М.ЛУКЧАЕВ,
«Мадад» ННТ бўлим бош мутахассиси

HUQUUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodijon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifati gazeta nomi ko'rsatishi shart. [E] — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4076.
22 251 nusxada bosildi.
Ong'oz bichini A-3, hejri 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbetchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBODJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirki: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Ўтганларнинг
охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Умид Мирзаевага волидаи мухтарамаси

Ўлмас ая МИРЗАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Коронавирус бутун дунёда 5 миллиондан ортиқ компания фаолиятига таъсир кўрсатади.

20-FEVRAL 2020-Y.

HUQUQ № 7

(1204)

11



Жажжи қизалоқнинг ўз оиласи ҳақида ёзган иншоси ижтимоий тармоқларни ларзага солди:
 «Менинг оилам – энг ёмон оила...» Бола изтироби, кўзидаги мунг... Ҳозирданоқ ҳаётдан безган, бировга ишончи қолмаган... Бу бўлган воқеадир ёки кимдир гуруҳга кўпроқ аъзо тўплаш, шов-шув кўтариш илинжида ўйлаб топгандир... Бироқ жамиятда ота-онасининг инжиқлиги, бесабрлиги ёки оилага учинчи, тўртинчи одамлар аралашуви туфайли ажримлар кўпайиб, болалиги ўғирланиб, жисми эмас, қалби мажруҳга айланаётган болакайлар камми?!.

ИККИ ЁРТИ - БИР БУТУН...

Муяссар университетни тугатган куни ота-онаси унга янгилик етказишди. Кечагина кўшни тумандан совчилар келиб, уларнинг розилигини олиб кетишибди. Ҳатто тўй куни ҳам белгиланган.

Муяссар рози бўлишдан бошқа чораси қолмаганини англади-ю, индамай қўя қолди. Куёв бўлмиш ўқимишли, зиёли оиладан эканини эшитиб, анча хотиржам тортиди. Қайнонаси шифокор экан...

Назарида тўй жуда файзли ўтди. Унинг янги хонадонга ўрганиши қийин кечди. Бу хонадон негадир жуда сирли эди. На қариндошлар билан борди-келди бор, на кўни-қўшни билан. Боз устига, тўйдан бир ой ўтар-ўтмас келинининг ишга чиқиб кетиши қайнонага ёқмади. Муяссар ота-онасининг «Куёв тараф ишлашинга қарши эмас» деган сўзларини эслади-ю, бу шунчаки тўйдан олдинги ёлгон ваъда эканлигини англади. Эри Сардорбек «Сандиқни очгинда, дипломингни кўринмас ерига жойлаб қўй! Ота-онам «Келин ишламасликка рози» дейишгани учун сенга уйланганман» деганида бўлажак турмуш ўртоғи билан тўйдан олдин учрашиб сўхбатлашмаганга, уни яхши билмай туриб тақдирини болаганига пушаймон бўлди.

Пушаймонлик ёмон экан. Айниқса, хаттонгни тўғриланишнинг имкони бўлмаса...

Бир куни Муяссар ишдан эртароқ қайтди. Ҳомиладор эмасми, толиққанди. Уйига дам олишга кирганда ногоҳ ҳовлидаги қайнонаси ва қайсинглисининг гапларини эшитиб, вужуди музлаб кетди гўё.

«Ойи, келинингнизи уйга ўтказиб қўйсангиз бўлмайдимми?! Ҳеч бўлмаса, мен келганимда хизмат қилмайдимми?! Мен қайсинглин келишидан уч кун олдин тай ёргарликни бошлайман. Акам ҳам индамай-яптими? Агар бу хотинини ҳам бўш қўйса, «кўчага чиқиб кетиши» аниқ!»

Муяссар қайсинглиси яна нималар деганини англамади. Сўнгги пайтларда эри аввал ҳам уйлангани, буни ундан яширишганини сезгандек бўлиб юрганди. Бугун эса...

Дам олиш куни ота-онасининг уйига келиб, қайтмади. Истамади. На юзсиз эрини, на унинг ёлгондан кўркмайдиган ота-онасини кўргиси келарди.

У икки норасида ҳақида ўйлавериб, уйнинг охирига етолмасди. Узини бировнинг бахтини ўғирлагандек сезар, бундан эзиларди.

Ҳомиласи олти ойлик бўлганида қайнонаси орага одам қўявериб келинини олдириб кетди. Уртадаги сирлардан беҳабар ота-она ҳам унинг тиниб-тинчиб кетишини ўйларди. Муяссар ҳам куёвнинг аввал уй-

ланганини, боласи борлигини айтиб, уларнинг дилини ўртташи истамади.

Борган куни қайнонаси ўзича кўни-қўшнилар орасида Муяссарни шарманда қилди. «Ўзи кетган, мана, ўзи келди», – дея жар солди. Унинг феълини яхши билишгани учун баъзи кўшни аёллар «Эътибор қилманг, ҳаммаси ўтиб кетади!» дея кўз қисиб унга далда бергандек бўлишди. Боласи ҳаққи келин яна босиқлик қилди.

Бир ой ўтар-ўтмас қайнона эски қилиғини бошлади. Мабодо келиннинг боши айланиб, ҳолсизлангандек ўтириб қолса, уни касалландикда айблаб, кун бўйи жавранар, кечкурун эри ва ўғлига уни ёмонлаб, ўзидан жабрдийда ясаб олар, уй юмушларининг бари ўзига қолиб кетаётганидан нолирди. Кейинроқ эса уни руҳий носоғлом экан дейишгача борди.

Бу гапга чидай олмаган Муяссар «Оби-жон бўлмай, бундай дейишга қандай тилингиз борди?! Наҳот худодан кўркмасангиз?!» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Ҳаммаси эри келгача бошланди. Куни билан ҳеч нима демай қовоқ уйиб юрган қайнонаси эрига чунонам келинини қораладики, Сардорбек ичкарига кира солиб уни калтаклай кетди. Ҳомиладорлигига ҳам қарамади. Қайнонаси уни ажратмоқчи эди, қайнонаси яқин йўлатмади.

Муяссар бир ҳафта оғриқлардан азоб чеқди. Фақатгина қорнидаги ҳомиласининг кимирлаб қўяётгани унга таскин эди. Уша қандам қайнонанинг буйруғи билан дарвозага қўйилган, келин кўчага ҳам чиқармай қўйилганди.

– Келин, мана бу уколни қилиб қўяй, қувват бўлади, – қайнонасининг мулоимлик билан кириб келиши Муяссарни ажаблантирди. Кейин калтакланган келинга раҳми келаяпти шекилли деган хаёлга борди. – Боласи курмагур шунчалликка ҳам борадимми?! Ахир хотин киши нозик бўлса, бир-икки қаттиқ-қуруқ гап айтсанг етарди-да, уришга бало бормиди?! Ёш-да, сабр қилсангиз, ақли кириб қолади...

Қайнонаси шифокор бўлгани боис унинг укол қилмоқчилигидан ёмон хаёлга ҳолига қайтди. Қудаларини чақириб, «Қизингиз ҳам, унинг боласи ҳам керак эмас!» дея эшикдан қувиб солди. Келиннинг кийим-бошларини ҳам улоқтирди.

Ҳар гал қорнида тилпирчилаб, бир зум тинмайдиган ҳомиласи жим бўлиб қолгач, келинчақ юраги бир нимани сезгандек шифокорга бормоқчи бўлганда, кечагина мулоим тортиб қолган қайнона яна эски ҳолига қайтди. Қудаларини чақириб, «Қизингиз ҳам, унинг боласи ҳам керак эмас!» дея эшикдан қувиб солди. Келиннинг кийим-бошларини ҳам улоқтирди.

Муяссар шуларни ўйлар экан, ота-онасини қийнаб қўйганидан қуянди. Бироз қаддини эгтанча ўчоқ бошидаги онаси томон юрди.

– Ойи, ош қилайлик! Негадир ош егим келаяпти...

Ош дамланаётганда Муяссардаги оғриқ кучайиб, тез ёрдам чақирдиши. Онаси бир коса паловни дастурхонга ўраганча ортидан етиб борди. Борди-ю, қизининг ҳомиласи икки кун олдин ўлганини эшитиб, изтироби ортди. «Қизингиз охириги пайтларда бирор дори ёки укол олмаганими?!» деган савол жавобсиз қолди. Ахир у қаёқдан ҳам билсин?! Қизини шу бугун кўриб турган бўлса...

Дам ўтмай шифокорлар югур-югур қилиб қолишди. Уни эса ичкарига қўйишмасди.

Бир вақт эшик очилиб, шифокор «Қўлимиздан келганини қилдик, бироқ бемор ҳаётини сақлаб қололмадик... Худо сабр берсин!» деганида шифохона деворлари ҳам ларзага келгандек бўлди.

Қизига деб олиб келинган ош тўла коса онанинг қўлидан тушиб чил-чил синди...

Муяссар норасидаси билан ёнма-ён қўйилди. Афсуски, унинг жанозасида на эри қатнашди, на унинг оиласидагилар...

Оила, ҳаёт, инсон қадрига етмаганларнинг кейинги тақдирини аянчили кечибди. Сардорбек тирноқча-зор, онанинг эса кўпдан буён оёқ-қўли ишламай ётганмиш. Қайсингли эса тўрт норасидаси билан эридан ажраб келган, хонадонда кунда жанжал эмаш...

Бу дунё ҳисобли дейишди. Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам жавоби бор.

Раъно тақдир раво кўрган хонадонга келин бўлиб тушибдики, бўлар-бўлмасга аразлаб келавериб ота-онасини ҳам қийнаб юборди. Хижолатда қолган Ҳамида ая қизига ҳаётдан сабоқ беравериб чарчади.

– Болали бўлса тиниб кетар, – деди бир куни унинг изтиробларини сезиб юрган қўшниси. – Баъзида бошқоронғиликда ҳам шундай бўлади – эр уйини ёқтирмай қолади келинлар.

– Илоҳим шундай бўлсин... – деди у умидворлик билан.

Қўчқордек ўғил қўрганида Раънонинг шодлиги оламга сиғмасди. Ёш оила шу гўдак қадами билан бахтиёр бўлсин деган мақсадда унга Бахтиёр деб исм қўйишди. Келинларининг ҳуда-беҳуда аразаларидан безган қайнона-қайнота ҳам шу гўдақдан умидвор: «Зора энди ақли кирса...».

Ой, йил ўтиб қақалоқ ёшига етай деган-

да эндигина изга тушиб қолган ҳаётнинг яна мароми бузилди. Уғлини кўтариб йўлга отланган келинини на қайнона-қайнота тўхта-тата олди, на эри...

– Ортиндан одам тугул, ит ҳам бормайди, кўзингни оч! – дея бақирди бу гал сабр косаси тўлган Қозимжон. – Жилла курса, ота-онанинг кўнглига қарамасанг, билганингни қил!

Раъно шу кетганича ота уйда уч ой ўтирди. Чиндан ҳам бу гал ортидан ҳеч ким келмади. Бу орада болакай тез-тез касалланиб қолаверди. Шифокорга олиб боришса, «Боланинг соппа-соғ» дейишар, бироқ гўдак тинмай гашланишини қўймас, ҳарорати кўтарилди кетаверарди. Бора-бора овқат ҳам емай қўйди.

Буни эшитган Қозимжон югуриб келди. Бироқ Раъно қайсарлик билан боласини кўрсатмади.

Қозимжон шу кетганича қайтиб келмади. Боланинг эса кундан-кунга аҳволи оғирлашиб борарди. Раъно «Болам шамоллаган» дея шифокорларга дори-дармон ёздириб, бир неча кун ўзича даволатди. Барибир фойдаси бўлмади. Шундай кунларнинг бирида маҳалладаги ёши саксондан ошиб қолган Розия момо ҳассасини дўққиллатиб ҳовлига кириб келди.

– Болани адо қилаёзибсан, жувон курмагур! – деди Раънони қойиб. – Бунақада ўғлингдан айрилиб қоласан!

Раъно кўрқиб кетди. Момога илтижоли боқди:

– Нима қилайлик?..

– Тезроқ отаси, буви-бобосига етказ! Уларга ичккан бола! Ҳе бола боққан сени!..

Буни эшитган Раъно онасига жавдираб боқди. Шундоқ ҳам хавотирда қийналаётган Ҳамида ая набирасини кучоқлаганча қудасиникига отланди. Раъно ҳам ортидан эргашди.

Кўзларини очишга ҳам мадори қолмаган гўдак отаси ва бобо-бувисини кўриб, сал ижмайгандек бўлди. Бирор соат ўтмай отаси озғига тутган овқатни ейишга тушди...

«Икки ёрти – бир бутун» деганлари шу бўлса керак-да! Оиласи баерига қайтди-ю, гўдаккина кундан-кунга қувватга кириб, иштаха билан ўзини овқатга урадиган бўлиб қолди. Табиатнинг бу синаоти олдида лол қолган Раъно шундан кейин аразламай қўйди...

Икки ҳолатдан ўзингиз хулоса чиқаринг, муҳтарам ўқувчи.

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Нуқуқ»